

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**320** Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарлар (маҳсулотлар)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 901-4*

*(2011 йил 7 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 18-сон, 178-модда) асосида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. «Ўздавстандарт» томонидан 1999 йил 10 декабрда 06/972-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 21 январда 02/16-09-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 901, 2000 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 4-сон) Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарлар (маҳсулотлар)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 28 июнь,  
П-1-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**30 (478)-сон**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2011 йил 28 июнь,  
01-02/16-10-сон

**— 75 —**

**320-321-моддалар**

**3. ДУСАНОВ**